Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 5 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 27 (6923)

Da'vat

Муваффақиятли тарбиянинг сири — ўқувчига ҳурматда.

Р. ЭМЕРСОН.

Ibrat

Тошлоқ туманидаги Холматжон Маъмиров раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги яна бир хайрли ишга қўл урди. Фермер 10-ўрта мактабнинг ўн нафар аълочи ўқувчисига ҳар ойда юз сўмдан стипендия ажратди.

O'zbekiston — Gretsiya

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 31 МАРТ — 2 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ГРЕЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

Тарих ўқитувчиларимиз ўз шогирдларига кўҳна дунёдан сабоқ берар экан, қадимий Греция мамлакати ҳақида алоҳида қизиқиш билан сўзлайдилар. Яқинда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг давлат ташрифи билан Греция Республикасида бўлганлиги ва кўплаб соҳаларда икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланганидан сўнг эса, бу қизиқиш ортиши шубҳасиз. Дарвоқе, бу ҳамкорлик ришталари кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Президентимиз грециялик журналистлар билан учрашув чоғида таъкидлаганларидек, икки мамлакат алоқалари Марказий Осиёда барпо этилган Бақтрия давлати давридан бошланади. Бугун эса, ўша кўҳна ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди, икки томонлама ҳамкорлик ўзининг ҳуқуқий асосини топди.

Айтиш мумкинки, Болқондаги барқарор давлатлардан бири ҳисобланган, жаҳон ҳамжамиятидан муҳим ўрин эгаллаган Греция билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон учун нечоғлик самарали бўлса, ўз навбатида Греция ҳам Марказий Осиёда қулай жуғрофий маконга эга, сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат бўлмиш Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан шу қадар манфаатдордир.

Греция Президенти Константинос Стефанопулос шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи ўз аҳамияти жиҳатидан беқиёс эканини айтди. Ҳар икки мамлакат раҳбарларининг Афинадаги Президент саройида бўлиб ўтган суҳбати чоғида, сўнг Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат Бош вазири Константин Симитис билан бўлган музокаралари чоғида Ўзбекистон — Греция алоқаларини янги босқичга кўтариш масаласи муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Константин Стимитис музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Ташриф давомида Греция жамоатчилиги ва матбуоти ҳам мазкур шартноманинг нечоғли муҳимлигига алоҳида эътибор қаратганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бундан ташқари Ўзбекистон билан Греция ўртасида мулк ва фойдадан икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги конвенция, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодий ва технологик ҳамкорлик, маориф, фан ва маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, ҳар икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги протокол имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон ва Греция ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари А. Комилов ва Т. Пангалос имзолади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болқондаги ушбу нуфузли мамлакатга илк ташрифи ғоят самарали кечди. Ташриф давомида ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаати учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

«Маърифат» шарҳловчиси.

Munosabat

ЖИЛОЛАР ЗАМИРИДАГИ ҲАЙРАТ

Ўзбек халқи ўз тарихида бадиий ва амалий санъатнинг оламшумул ноёб асарларини яратди. Бу асарлар ҳанузга қадар ўзининг юксак бадиий услуби, гўзаллиги, шаклларининг нафислиги, яратувчиларининг нозик дидли ҳамда теран фикрли санъаткор бўлганликларидан далолат бериб турибди. Айниқса, бу ҳайратомуз манзарани биноларнинг ички ва ташқи безакларида, нафис кошинларда, буртма ганч ўймаларида, тош ва ёғочларга ўйилган сержилва нақшларда, металл ва чармга солинган турли гулларда, гиламлар, шоҳи-атласлар, сўзаналарнинг жозибали рангларида кўриш мумкин.

Ота-боболаримиз азал-азалдан наққошлик, ўймакорлик, тоштарошлик, заргарлик, кулолчилик ҳунарлари билан шуғулланиб келганлар. Косиблар эса ўзларининг устахоналарида нафис буюмлар яратганлар. Булар инсон меҳнати ва даҳосининг абадий, ўчмас жилоларидир.

Куни кеча Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бой миллий меросимиз анъаналарини қайта жонлантиришга қаратилган катта эътибордир.

Эндиликда халқ санъати янги давр ранги, нафосати, чиройи билан янгича шакл, мазмун билан кун сайин бойиб бораверади. Шу ўринда қадимий санъатимизнинг ўтмишдаги довруғини кўтаришга уни ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётганлардан бири тошкентлик иқтидорли нақкош уста Раҳматулла Орифжоновни тилга олиб ўтиш жоиздир.

Изланувчан устанинг Алишер Навоийни, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби буюк мутафаккирларнинг портретларини чиннига туширганлигини ва бошқа гўзал асарларини айтмасдан ўтолмаймиз. Халқ устаси Р. Орифжоновнинг маҳорати туфайли чинни-сопол, фаянс ва кулолчилик буюмларида ўзбек миллий наққошлик элементлари ўз ифодасини топди. Уста 1970-80 йилларда П. Беньков номли бадиий санъат билим юртида ёшларга қадимий санъат — наққошликни ўргатди ҳамда юзлаб иқтидорли шогирдлар тайёрлади.

Тиниб-тинчимас уста ўқувчи-ёшларда халқ амалий санъатига қизиқиш уйғотиш мақсадида 1984 йили Сирғали туманидаги 104-ўрта мактаб қошида кулолчилик, кошинкорлик ва наққошлик ҳунарлари бўйича тўгарак ташкил этди. Ҳозир бу ерда кўплаб йигит-қизлар наққошликнинг нозик сир-эсрорларини қунт билан ўрганишмоқда.

Ҳозир у оддий машқлар каторида ҳунарнинг мураккаб сирларини ҳам ёшларга аста-секинлик билан ўргатаяпти.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ, санъатшунос.

Суратда: Р. Орифжонов ўз шогирдларига нақшни қоғозга туширишни машқ қилдирмоқда.

JUMLADA JAHON

❀ Тошкентда бўлиб ўтган 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфра тузулмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш республика комиссиясининг мажлисида дастурнинг амалдаги йил январь-февраль ойларида бажарилиши якунлари кўриб чиқилди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти-Фармони билан таъсис этилган тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасидаги Камолиддин Беҳзод номидаги давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 1997 йилнинг 4 апрелидан 4 июнигача белгиланганлигини маълум қилади.

❀ Литва пойтахтида бўлиб ўтган Болтиқбўйи давлатлари мудофаа вазирларининг учрашувида ҳамкорликдаги тинчлик баталиони ва ҳарбий денгиз эскадраси (балтрон)ни тузиш ҳамда мазкур минтақа ҳаво кенгликларини назорат қилиш масалалари муҳокама этилди.

❀ Франция Президенти Жак Ширак ўзининг Чехияга икки кунлик ташрифида ушбу мамлакатнинг НАТОга қабул қилиниши муддатини маълум қилади, дея хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

❀ Чеченистон Президенти Аслан Масхадов мамлакат бош вазирининг ўринбосарларини тайинлади. Шамил Басаев саноат масалалари бўйича, Мавлоди Удугов давлат сиёсати ва матбуот бўйича, Ислом Ҳалимов эса ижтимоий масалалар бўйича Бош вазирга ёрдам берадилар.

Qaror wa ijro

ОЛИЙ ЛИГАДА... МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ

Ўтган йилнинг 20 декабрида ўзининг 35 йиллик юбилейини нишонлаган Республика олимпия резервлари билим юрти республикамиз жамоаларига ўндан зиёд тур бўйича спортчилар тарбиялаб беришда етакчи ўринни эгаллайди. Ёшлар ўртасида кўпгина халқаро мусобақалар ва республика биринчиликларини ўтказиб туриш бу масканда анъанага айланиб қолган. Дарвоқе, билим юртининг ташкил этилиш тарихи ҳақида кўпчилик билмаса керак. Мақолани тарихдан бошлашимнинг сабаби бор. Ўшанда, яъни 1961 йили Шароф Рашидов республика спорт қўмитаси раиси В. С. Митрофановни чақириб, Боғистон даҳасида футбол мактаби очиш ҳақида кўрсатма беради. Шунда у: «Шароф Рашидович, бу жуда зўр ғоя, албатта амалга оширамиз. Шу ўринда менда ҳам бир фикр бор, агар футболга қўшимча яна бошқа спорт турларини ҳам ривожлантирсак нур устига аъло нур бўларди», — дея фикр билдиради. Шароф Рашидовнинг: «Ундай бўлса, ўсмирлар ва ёшларнинг мослаштирилган спорт-интернатини очиш керак, фақат негизида футбол бўлсин. Икки кун ичида лойиҳасини тайёрлаб, менга кўрсатинг», — деган гапи билан биз сўзламоқчи бўлган билим юрти очилган эди.

Хўш, бу спорт масканида ўқитиш тизими, ўқувчиларнинг яшаш шароити ва спорт билан шуғулланиш имкониятлари қандай? Дарсдан ташқари ҳордиқ чиқаришлари ва назарий спорт машғулотлари билан шуғулланишлари учун қандай қулайликлар яратилган?

Шу каби саволларга жавоб излаб ва, айниқса, футболга берилаётган эътиборни ўрганиш мақсадида билим юртига ташриф буюрдик. Аввало, ўқув жараёни билан танишиш мақсадида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Лемара Бекирова билан суҳбатлашдик:

— Билим юртимизга ўқувчилар 8-синфдан қабул қилинар эди, мазкур ўқув йилидан бошлаб эса 5-синфдан қабул қиладиган бўлдик. 11-синфгача ўрта мактаб дастури бўйича дарс ўтилади, лекин мактабдан фарқи шундаки, спортга катта эътибор берилади. Бу уларнинг ўқув жараёнига ҳалақит бермайди, толиқтирмайди, аксинча, соғ танда соғлом ақл, деганларидек ақлини янада пешлайди. Бундан ташқари ҳар бир фан бўйича махсус видеодарслар ва ёзма қўлланмалар ишлаб чиққанмизки, турли мусобақаларга кетаётган ўқувчиларимизга жуда ҳам асқотади. Ҳар куни эрталаб 8.00 — 8.30 даги қўшимча машғулотларга хоҳлаган ва мусобақалардан қайтган ўқувчилар қатнашиб, қолдирган дарсларини тиклаб олишади. Энг қувонарлиси шундаки, 11-синфни битираётган ўқувчиларимизнинг деярли барчаси билим юрти дастури бўйича ўқишларини давом эттиришмоқда. Бу пайтга келиб улар катта спортчи деган номни ҳимоя қилиш даражасига эришган бўлади.

Маънавий ишлар бўйича директорнинг биринчи муовини Шоира Абдуллаева билан қилаётган ишлари ва иш режалари, ўтказаётган тадбирлари ҳақида дид билан безатилган хона — музейда суҳбат қурдик, чиройли безатилган ўқув биноларини,

(Давоми 4-бетда).

ИФТИХОР МАЙДОНИ

Қирқ йиллдирки бесарҳад кўнгилнинг бир чеккасида мўъжазгина бир майдон яшайди. Уни «Пахтакор» майдони деб аташади. Бу атаманинг кўнгилларга кириб келганига 40 йил тўлганлиги муносабати билан, куни кеча ушбу майдонда катта спорт байрами ўтказилди.

Анъанавий карнай-сурнай садолари остида стадионга мураббийлар, «Пахтакор» жамоасининг кўплаб ўйинчилари кириб келишди. Байрамда ўйин — қулгулар билан бир қаторда юбилей шарафига «Пахтакор» ва Алматининг «Қайрат» футбол жамоалари фахрийлари ўртасида учрашув ўтказилди.

Д. АЛИҚУЛОВА.

Olimpiada — 97

ИСТЕЪДОДГА БОЙДИР БУ ЎЛКА

- *Ишонч ҳамиша ғолиб*
- *Биринчи бўлиш осон эмас*
- *Қайси мевали дарахт олдин гуллаб, кейин барг ёзади?*
- *Тадбир тартибли ва юқори савияда ўтса, унинг якуни яхши бўлади.*
- *Олимпиаданинг 53 нафар ғолиби талаба бўлди.*
- *Таклифлар, мулоҳазалар, истаклар*

Аввал хабар берганимиздек, бу йилги олимпиадани она тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти (рус гуруҳларида), рус тили ва адабиёти (ўзбек гуруҳларида), рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида) фани билимдонлари бошлаб беришди. Низомда белгиланган (2,5 соат) вақт ўтгани сайин олимпиадани кузатаётган ўқувчиларнинг ота-оналари, муаллимлари ҳаяжони орта бошлади. Бу гуруҳда Янгиқўрғон туманидаги 10-мактаб ўқувчиси Камола Жўрабоева ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фани бўйича 3-ўрин (ва Наманган шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Аъзамжон Дадахонов) она тили ва адабиёти фани бўйича 1-ўрин) топшириқларни биринчи бўлиб бажариб,совриндор бўлишди.

— Аъзамжоннинг ғолиб бўлиши бежиз эмас, — деди ўқитувчиси Обиджон Каримов. — У шу фанга, адабиётга қаттиқ ихлос қўйган. Шаҳар, вилоят, қолаверса, республика матбуотида чоп этилган илк машқлари жамоатчилик эътиборига тушди. Навоийга, Бобурга, Наврўзи оламга бағишланган кечаларда шеърларини инглиз, турк тилларига ўгириб, ўқиб берди.

Сирасини айтганда, Аъзамжон қатнашган гуруҳда ёрқин истеъдод эгалари иштирок этаётгани маълум бўлди. Айниқса, бу Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 28-мактаб ўқувчиси Наима Алиқулова ва Урганч шаҳридаги Огаҳий номли лицей ўқувчиси Юлдуз Отажонова ўртасидаги беллашувда яққол кўзга ташланди. Аниқроғи, биринчи натижага кўра ҳар иккаласи ҳам 2-ўринга даъвогар бўлиб қолишди. Ҳакамлар ҳайъати 10 тадан қўшимча топшириқ беришди... Яна кучлар тенг. Иштирокчиларга яна қўшимча 5 тадан тест топшириқлари берилди. Бунда, албатта, ҳаяжонга берилган ютқазади, қатъий ишонч ғалабага олиб келади. Иқтидорлилар баҳсида ана шу ҳолат кузатилди. Қисқаси, хоразмлик иштирокчи Юлдуз Отажоновага учинчи ўрин насиб этди.

Юлдуз ва Наима баҳсига ўхшаш беллашувлар кейинги жараёнда ҳам давом этди. Тошкент шаҳридаги 309-лицей ўқувчиси Барно Акбарова ва Ангрен шаҳридаги 5 мактаб ўқувчиси Севара Уролова (ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти фани бўйича 2-ўрин учун), Қорақалпоғистон республикаси Қунғирот шаҳридаги Менделеев номли мактаб ўқувчиси Баҳодир Яхшимуродов ва Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 64-мактаб ўқувчиси Шуҳрат Жалилов (чизмачилик фани бўйича 2-ўрин учун), Урганч шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Мансур Аҳмедов ва Термиз шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Акмал Эрназаров (инглиз тили фани бўйича 2-ўрин учун), Наманган шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Жўрабек Мирзамаҳмудов ва Бухоро шаҳридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Шамшод Шарипов (кимё фани бўйича 1-ўрин учун), Андижон шаҳридаги муҳандислик ва иқтисодиёт лицейи ўқувчиси Олимжон Маматқулов ва Жиззах шаҳридаги 1-лицей ўқувчиси Азиз Мусаев (информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани бўйича 3-ўрин учун)лар ўртасидаги беллашувлар қизғин тус олиб, ўринлар аниқланди.

(Давоми 3-бетда).

КЎЗГУДА БУХОРО ВИЛОЯТИ 2-бет.

АТТЕСТАЦИЯ ВА АККРЕДИТАЦИЯ— ТАЪЛИМНИНГ АДОЛАТ МЕЗОНИ 2-3-бетлар.

БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ 3-бет.

Aks sado

КАШФИЁТ ЗАВҚИ

Кашфиёт завқи илм билан шуғулланган ҳар бир кишининг азалий орзуси бўлса керак. Шу завқ Архимедни «Эврика» — «топдим», деган ҳайқириқ билан ҳаммомдан, онасидан қандай туғилган бўлса, шундайлигича, югуриб чиқишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас, ҳойнаҳой.

Ҳа!!! Ҳар кимга ҳам шундай завқланиш насиб этсин. Аммо орзуга етиш йўллари машаққатли бўлгани сингари кашфиёт қилиш ва унинг завқидан баҳраманд бўлиш жуда ҳам мураккаб ва оғир.

«Маърифат» газетасининг 1996 йил 14 декабрь, шанба сонида босилган «Кашфиёт! Кашфиёт? Кашфиёт... мақоласи Давронбек Раҳмоновнинг доирага тенг бўлган квадрат ясаш масаласи устида олиб борган изланишлари келтирилган.

Мақола номининг жуда ўринли қўйилгани, яъни ундов, сўроқ ва кўп нуқтани ўз ўрнида ишлатилгани, таҳририятнинг бу мақолага муносабатини ифода этиб турибди.

Давронбек ўз ишланишлари натижасини оммавий газета саҳифасида беришдан аввал республикамиз математик олимларидан бирортаси билан суҳбатлашса маъқул бўлар эди. Шукрлар бўлсинки, республикамизда М. Салоҳиддинов, Т. Жўраев, А. Саъдуллаев, Ш. Аюпов ва бошқа кўплаб таниқли математиклар бор. Бу олимларнинг ҳар бири ўз илмий семинарларига эга ва бу семинарларда ёш изланувчилар ўзлари эришган ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилади.

Қаралаётган масала математиканинг қадимий муаммоларидан бўлиб, у геометрик ясаш масаласига тегишлидир. Мен геометрия кафедраси мудири ва шу соҳада изланиш олиб борувчи, мутахассис сифатида, мақола ҳақида ўз фикримни билдиришим зарур деб ҳисоблайман.

Мақолада масала тарихи яхши ёритилган. Масалани П (пи) сони иррационал сон экани билан боғлиқлиги ҳам айтилган. Агар Д. Раҳмонов П (пи) сони иррационал сон экани ва уни чекли унли каср шаклида ифода этиб бўлмаслигига аҳамият берса, ўз изланишларида хатога йўл қўйилганини ўзи ҳам кўрар эди.

Албатта, газета саҳифаси орқали илмий мунозаралар олиб бориш, илмий изланишнинг қулай усули эмаслиги барчамизга аён.

Агар Давронбек истаса, унинг бунчалик қизиқиши ва ёшлар билан ишлашдаги ғайратини республикамизда математика фани ривожига ҳисса қўшадиган йўналишига қаратишга ёрдам беришимиз мумкин.

Олинган натижа қандай бўлишидан қатъи назар оддий мактаб ўқитувчисининг масала моҳиятига етиши ва уни ҳал қилишни мақсад қилиб олиши сўзсиз таҳсинга сазовордир.

Абдулазиз ОРТИҚБОЕВ, ТошДУ механика-математика факультети геометрия ва математика тарихи кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

БИЛИМЛАР ҲАФТАЛИГИ

Андижон вилояти болалар кутубхонасининг яна бир хайрли тадбири «Билимлар ҳафталиги» деб аталди. Ҳафтанинг ҳар бир кунига биттадан фанга бағишланган кечада учрашувлар, қизиқарли топишмоқлар, шунингдек ҳар хил ҳаракатли ўйинларнинг ташкил қилиниши китобхонларга жуда маъқул бўлди. Жумладан, математика фани кунида ихлосмандлар «Қизиқарли китоблар олами» кўргазмасини тамоша қилдилар ҳамда «Ўйлаймиз, изланамиз, топамиз» зукколар беллашувида иштирок этишди.

Бу хил тадбирларнинг ташкил қилиниши китобхонларнинг билим савиясини оширишда, фикирлашида ижобий натижалар бериши шубҳасиз.

С. ЖЎРАЕВА.

ДИЛШОДБЕКНИНГ ЮТУҒИ

Хоразм турк лицейнинг 11 — синф ўқувчиси Д. Мадаминов республика лицейлари ўртасида ўтказилган мусобақада ғолиб чиқиб, химия-биология фанларидан пухта билим олаётганлигини намойиш қилди. Шунингдек Туркияда ўтказилган Европа ва Осиё мамлакатлари вакиллари қатнашган мусобақада ҳам ажойиб ютуқни қўлга киритди. У химия-биология фани бўйича 3-ўринни олиб бронза медалига сазовор бўлди.

И. ОЛЛОБЕРГАНОВ.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

НАВРЎЗ НАШИДАСИ

Бу йилги Наврўз ҳам барча мактабларда қувонч билан кутиб олинди. Ўқувчилар 3 — чоракни ҳам мувафаққиятли якунлаб баҳорги татилни мазмунли ўтказдилар.

Пойтахтимиздаги 105-мактабда ҳам «Навбаҳор очсин жамол, ёш авлод топсин камол» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Наврўзга атаб ташкил этилган бу мусиқали театрлаштирилган тадбирни 11-синф ўқувчилари уюштиришди.

Кечада мактабнинг ҳаваскорлар тўгараги аъзоларининг чиқишлари миллий қўшиқлар, унутилаётган «Ёр — ёр», «Келин салом»лари билан барчага манзур бўлди.

М. ВАЛИЕВА.

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили						Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Бухоро шаҳри	792	52.14	3	451	54.44	2	298	48.80	4	259	56.10	5
2	Когон шаҳри	58	47.80	10	63	51.01	5	27	53.81	1	34	42.08	8
3	Ғиждувон шаҳри	60	47.41	11	20	41.67	11	26	42.41	12	8	45.83	7
4	Бухоро тумани	381	54.40	1	27	53.50	3	128	51.89	3	13	58.97	4
5	Қоровулбозор тумани	15	50.74	4	8	37.15	13	8	52.08	2	6	29.63	11
6	Когон тумани	186	46.46	13	5	62.22	1	81	46.91	7	2	61.11	3
7	Ғиждувон тумани	671	50.23	6	29	44.83	9	281	39.47	13	20	37.50	9
8	Ромитан тумани	270	48.27	8	14	42.06	10	95	46.70	8	6	36.11	10
9	Вобкент тумани	288	50.48	5	5	45.00	7	110	45.91	9	2	19.44	14
10	Жондор тумани	496	53.26	2	3	51.85	4	209	44.05	10	2	80.56	1
11	Олот тумани	300	47.81	9	3	48.15	6	129	48.32	6	1	27.78	12
12	Шофиркон тумани	388	46.46	12	6	39.35	12	182	48.72	5	2	68.06	2
13	Қоракўл тумани	335	49.70	7	13	44.87	8	124	43.97	11	6	53.24	6
14	Пешку тумани	187	45.94	14	2	22.22	14	53	38.89	14	2	22.22	13





	Шаҳарлар ва туманлар	Физика						Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Бухоро шаҳри	169	32.18	4	140	36.17	2	292	68.48	2	93	55.05	4
2	Когон шаҳри	16	29.51	10	16	31.60	4	15	62.22	7	13	54.06	6
3	Ғиждувон шаҳри	20	30.97	8	3	30.56	5	19	51.75	14	8	38.89	10
4	Бухоро тумани	71	39.48	1	9	35.49	3	171	63.55	5	5	51.67	7
5	Қоровулбозор тумани	5	31.11	7	2	29.17	6	6	91.67	1	1	63.89	2
6	Когон тумани	54	32.20	3	2	22.22	11	83	64.02	4	1	63.89	1
7	Ғиждувон тумани	141	28.43	12	14	22.42	10	228	60.89	8	0	0.00	0
8	Ромитан тумани	43	28.88	11	5	25.56	9	122	57.74	12	1	38.89	9
9	Вобкент тумани	70	34.21	2	0	0.00	0	115	63.31	6	0	0.00	0
10	Жондор тумани	109	31.98	5	1	50.00	1	173	66.88	3	0	0.00	0
11	Олот тумани	79	28.34	13	0	0.00	0	111	60.69	9	2	48.61	8
12	Шофиркон тумани	110	31.87	6	0	0.00	0	118	53.18	13	3	55.56	3
13	Қоракўл тумани	63	30.82	9	3	28.70	7	138	60.27	10	6	54.63	5
14	Пешку тумани	27	26.03	14	2	27.78	8	76	57.97	11	0	0.00	0



Давлат тест маркази таҳлили

КЎЗГУДА БУХОРО ВИЛОЯТИ

Рўзноманинг олдинги сонларидан бирида Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳар туманлари мактабларини битирган ўқувчилар билим савиясининг таҳлили чоп этилган эди. Бугунги сонда Бухоро вилояти туман ва шаҳарлари абитуриентларининг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил этилади.

Бухоро вилоятида самарадорлик кўрсаткичлари ўзбек тили ва адабиёти — 50,11%, тарих — 54,88%, математика — 45,78%, кимё — 52,24%, физика — 31,41%, биология — 62,36%, инглиз тили — 43,45%, француз тили — 31,28 фоиздан иборат бўлиб, бу кўрсаткичлар Республика бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан юқоридир.

Жадваллар ва гистограммалардан ўзбек гуруҳлари бўйича Бухоро тумани она тили ва адабиёти, физика; Когон шаҳри математика, тарих, инглиз тилидан; Қоровулбозор тумани биология, кимё, немис тилидан; Олот тумани география; Бухоро шаҳри француз тилидан бошқа туман ва шаҳарларнинг битирувчиларига нисбатан самарадорлик кўрсаткичлари юқори эканлиги кузатилди; Жондор тумани она тили; Қоровулбозор тумани математика; Вобкент тумани физика, география, француз тили фанларидан, Бухоро шаҳри кимё, инглиз тили; Ғиждувон шаҳри немис тили фанларидан бир мунча юқори самарадорлик кўрсаткичларига эришганлар.

Бухоро вилояти бўйича Пешку тумани она тили, математика, физика, немис тили; Ғиждувон шаҳри биология; Қоровулбозор тумани тарих, инглиз тили фанларидан самарадорлик кўрсаткичлари бошқа туман, шаҳар абитуриентлари кўрсаткичларига нисбатан анча паст. Бундан хулоса шуки, бу туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари таълим жараёнини ислоҳ қилишга, янги ноанъанавий услублардан унумли фойдаланиш масалаларига жиддий ёндашишлари лозим.

Қуйида Бухоро вилояти туман ва шаҳар мактабларида таҳсил олган ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш учун тест синовларида кўрсатган самарадорлик кўрсаткичлари келтирилади.

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё						Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Бухоро шаҳри	260	59.71	2	94	48.49	4	223	55.01	6	99	61.59	3
2	Когон шаҳри	15	45.37	13	16	40.45	7	16	63.72	1	17	48.04	7
3	Ғиждувон шаҳри	11	48.48	9	6	37.50	8	17	62.42	2	5	51.67	6
4	Бухоро тумани	147	55.08	4	3	35.19	9	106	54.90	7	9	61.42	4
5	Қоровулбозор тумани	6	82.87	1	0	0.00	0	1	36.11	14	1	16.67	12
6	Когон тумани	76	55.12	3	1	72.22	1	24	48.84	13	2	58.33	5
7	Ғиждувон тумани	209	47.50	10	4	25.00	10	225	54.62	8	10	36.67	10
8	Ромитан тумани	99	45.65	12	1	44.44	6	72	55.75	4	7	43.65	9
9	Вобкент тумани	101	53.82	6	0	0.00	0	85	54.41	9	5	47.78	8
10	Жондор тумани	156	54.68	5	0	0.00	0	146	59.78	3	1	63.89	2
11	Олот тумани	100	51.86	8	2	45.83	5	73	49.92	12	0	0.00	0
12	Шофиркон тумани	108	41.51	14	3	60.19	2	114	52.92	11	1	22.22	11
13	Қоракўл тумани	121	53.35	7	6	51.39	3	94	55.17	5	1	63.89	1
14	Пешку тумани	69	47.06	11	0	0.00	0	65	54.27	10	0	0.00	0



	Шаҳарлар ва туманлар	География						Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Бухоро шаҳри	5	46.67	6	0	0.00	0	238	53.24	2	181	58.87	2
2	Когон шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	14	56.55	1	21	55.42	5
3	Ғиждувон шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	9	42.90	5	7	42.86	9
4	Бухоро тумани	3	47.22	4	0	0.00	0	98	47.90	3	13	49.36	7
5	Қоровулбозор тумани	0	0.00	0	0	0.00	0	2	19.44	14	2	22.22	11
6	Когон тумани	2	43.06	8	0	0.00	0	34	39.38	9	2	56.94	4
7	Ғиждувон тумани	5	46.67	5	0	0.00	0	85	36.70	11	7	45.24	8
8	Ромитан тумани	2	47.22	3	0	0.00	0	61	39.71	8	7	52.78	6
9	Вобкент тумани	10	48.06	2	0	0.00	0	27	40.95	6	2	70.83	1
10	Жондор тумани	16	42.71	9	0	0.00	0	88	40.06	7	2	58.33	3
11	Олот тумани	5	56.11	1	0	0.00	0	40	44.24	4	0	0.00	0
12	Шофиркон тумани	10	45.83	7	0	0.00	0	46	28.26	12	2	31.94	10
13	Қоракўл тумани	6	42.59	10	0	0.00	0	54	37.19	10	0	0.00	0
14	Пешку тумани	2	40.28	11	0	0.00	0	31	24.37	13	0	0.00	0





	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили						Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Бухоро шаҳри	32	44.97	4	12	34.72	2	4	46.53	1	9	66.36	1
2	Когон шаҳри	6	45.83	3	6	43.06	1	2	31.94	6	0	0.00	0
3	Ғиждувон шаҳри	2	48.61	2	0	0.00	0	7	28.57	10	1	25.00	3
4	Бухоро тумани	7	44.05	5	0	0.00	0	2	19.44	13	0	0.00	0
5	Қоровулбозор тумани	2	54.17	1	3	22.22	4	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Когон тумани	1	36.11	6	0	0.00	0	1	22.22	12	0	0.00	0
7	Ғиждувон тумани	34	29.00	8	1	16.67	6	90	31.20	7	2	26.39	2
8	Ромитан тумани	10	25.56	11	1	19.44	5	14	30.16	8	0	0.00	0
9	Вобкент тумани	31	24.82	12	1	27.78	3	13	37.18	2	0	0.00	0
10	Жондор тумани	43	25.97	10	0	0.00	0	18	33.80	4	0	0.00	0
11	Олот тумани	12	27.31	9	0	0.00	0	34	28.76	9	0	0.00	0
12	Шофиркон тумани	47	30.02	7	0	0.00	0	17	35.62	3	0	0.00	0
13	Қоракўл тумани	6	23.61	13	0	0.00	0	35	32.46	5	4	24.31	4
14	Пешку тумани	12	21.99	14	0	0.00	0	26	25.21	11	0	0.00	0





АТТЕСТАЦИЯ ВА АККРЕДИТАЦИЯ —

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сонли қарорига асосан, идоравий бўйсунишдан қатъий назар, ҳамма турдаги таълим муассасалари ва ўқув юртлари аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтишлари шарт.

Давлат таълими стандартлари бўйича Республика инспекцияси бошлиғи Р. Ш. Аҳлиддинов билан бўлган суҳбатимиз, ўтган вақт давомида мазкур йўналишда амалга оширилган ишларнинг натижалари мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими ҳусусида бўлди.

— Рустам Шеронович, гарчи газетамизда бу ҳақда бир неча бор ёзилган бўлса-да, эслатиб маъносида таълим муассасалари ва ўқув юртларининг аттестацияси ва давлат аккредитацияси моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, шу қисқа вақт давомида мамлакатимиз ижтимоий -сиёсий ва иқтисодий ривожланишдаги тараққиёт одимлари қатори халқ таълими тизимини такомиллаштириш, уни жаҳондаги илғор давлатлар таълим стандартлари даражасига кўтаришда илдам қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон таълими ривожланишининг дастлабки босқичида унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, янгиликларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ҳамма турдаги таълим муассасалари ва ўқув юртларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказишга қарор қилинди. Бу бежиз эмас, албатта, Зеро, аксарият ривожланган мамлакатларда таълим муассасалари ва ўқув юртларининг мақоми аттестация натижаларига кўра белгиланади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида бу ишни аккредитация агентликлари амалга оширадилар. Улар ҳар йили аккредитация қилинган ўқув юртларининг рўйхатларини эълон қиладилар. Ота-оналар эса, мазкур рўйхат ичидан ўзларининг фарзандлари учун мақбул бўлган ўқув юртларини танлаб оладилар.

Таълим муассасалари ва ўқув юртларининг аттестацияси деганда биз нимани тушунамиз? Аттестация Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш тўғрисида Низом»и талаблари асосида одатда, камида беш йилда бир марта ўтказилиб, муайян таълим муассасаси ва ўқув юрти фаолиятининг асосий йўналишлари: моддий-техник базаси, кадрлар билан таъминланганлиги, ўқув-тарбиявий жараённинг ташкил этилиши, ўқув-услубий таъминоти, ўқувчилар ва талабалар билими сифати, бошқарув даражасининг ва бошқа қатор кўрсаткичлар бўйича давлат таълим стандартлари ва нормативларига нечоғлик мувофиқ эканлигини аниқлаб берувчи жараёндир.

Аттестация натижалари ва эксперт комиссияси хулосаларига кўра тегишли таълим бошқаруви органи қарор (буйруқ) чиқаради ва шунга асосан таълим муассасаси:

— аттестациядан ўтди;

— аттестациядан шартли ўтди;

— аттестациядан ўтмади, деб баҳоланади.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича таълим муассасасида ёки ўқув юртида олиб борилаётган ишлар давлат таълими стандартлари нормативларига мувофиқ келса, имкониятлари унинг мақомига жавоб берса, у аттестациядан ўтди деб ҳисобланади ҳамда давлат томонидан расман тан олинганлиги тўғрисида аккредитация гувоҳномаси топширилади.

Таълим муассасаси Низомида белгиланган вазифалар тўлиқ ҳал этилмаган ҳамда аттестация жараёнида аниқланган камчиликлар қисқа муддатларда бартараф этилиши мумкин бўлса, шартли аттестация қилинди деб ҳисобланади ҳамда таълим бошқаруви органи томонидан белгиланган муддат ичида қайта аттестация қилинади.

Агар таълим муассасаси ёки ўқув юрти Низомда белгиланган асосий вазифалар қониқарсиз ҳал этилаётган бўлса, ўқувчилар билим даражаси давлат таълим стандартлари ва нормативлари талабларидан паст бўлса, унинг кадрлар, ўқув-методик, моддий-техник имкониятлари муассаса мақомига жавоб беролмаса, у аттестация қилинмади деб эътироф этилади ҳамда «Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш тўғрисида Низом» талаблари асосида уни қайта ташкил этиш ёки мақомини пасайтириш таълим фаолиятини қисман ёки тўла тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

— Мазкур йўналишдаги фаолиятингизни нималардан бошладингиз?

— Республика тасарруфидаги таълим муассасалари ва ўқув юртларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш вазифаси Халқ таълими вазирлиги қошида 1993 йилда ташкил этилган Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекциясига топширилган.

Амалдаги низомга кўра инспекция томонидан олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари, республика миқёсидаги лицейлар, махсус мактаб-интернатлар, малака ошириш институтлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, ўқув ишлаб чиқариш марказлари, маданият ишлари ва меҳнат вазирликлари, Ўзбекистон темир йўллари давлат акционерлик жамияти тасарруфидаги ўқув юртлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртлари қошида фаолият кўрсатаётган лицейлар, гимназиялар ва бизнес мактабларни аттестациядан ўтказиш белгиланган.

Вилоятлар ва туманларда жойлашган таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш вазифаси маҳаллий таълимни бошқарув идораларига юклатилган.

Аттестация жараёни республикадаги ҳамма таълим муассасалари ва ўқув юртлари фаолиятини қамраб олганлигини ҳисобга олиб, инспекция мактабгача, мактабдан ташқари, умумий ўрта, ҳунар таълими муассасалари,педагогика ўқув юртлари аттестацияси ва аккредитацияси билан боғлиқ услубий тавсияномалар, дастурлардан иборат бешта ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқди ҳамда амалиётда фойдаланиш учун жойларга юборди. Республика инспекцияси ходимлари 1993 йилда Тошкент шаҳар Мирозо Улуғбек туманидаги 50-гимназияни аттестациядан ўтказиб, жойлардаги таълим бошқаруви органларига ва шу материаллар асосида таълим муассасаларини ҳам аттестациядан ўтказишни тавсия этдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳамма вилоятларда «Таълим муассасаларининг аттестацияси ва давлат аккредитацияси: муаммолар ва ечимлар» мавзуида ҳудудий амалий семинарлар ташкил этилди. Мазкур йўналишдаги ишларнинг аҳволи, унинг истиқболлари вазирлик ҳайъати мажлисларида муҳокама этилиб, оммавий ахборот воситаларида ёритилиб бормоқда.

— Ўтган вақт давомида амалга оширилган ишлар, яъни таълим муассасалари ва ўқув юртларининг аттестацияси ва давлат аккредитацияси натижалари тўғрисида гапириб бермасангиз.

— Энг аввало, таъкидлаш жоизки, таълим муассасалари ва ўқув юртларининг аттестацияси ва аккредитациясига инспекция ходимлари ҳам, жойлардаги муассасалар раҳбарлари ва жамоалари ҳам катта масъулият билан ёндошадилар. Мазкур жараён давлат аҳамиятига молик бўлиб, вазирлик ва жойлардаги таълим бошқаруви органлари томонидан тасдиқланган қатъий жадвал асосида амалга оширилмоқда.

Республика бўйича ҳаммаси бўлиб 20 мингта яқин таълим муассасаси давлат аккредитациясидан ўтиши керак. Олинган тезкор маълумотларга кўра жорий йилнинг 1 январигача аттестация жараёнидан 11706 та таълим муассасаси ўтган. Бу уларнинг умумий сонига нисбатан 61,2 фоизни ташкил этади. Шулардан 10756 таълим муассасаси ва ўқув юрти аттестациядан муваффақиятли ўтиб, уларга давлат аккредитациясидан ўтганлиги ҳақидагувоҳнома топширилган, 921 таси аттестациядан шартли ўтган, 29 таси эса аттестациядан ўтмаган.

Таълим муассасалари кесимида оладиган бўлсак, натижалар қуйидагича: республика бўйича 3751 (47,1%) мактабгача тарбия муассасалари, 6872 (74,1 %) умумтаълим мактаблари, 236 (58,1%) янги турдаги таълим муассасалари 250 (57,1 %) ҳунар билим юртлари ва 570 (54,6%) мактабдан ташқари муассасалар аттестация жараёнидан ўтишган.

Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекциясининг ўзи 45 та республика тасарруфидаги муассасалар ва ўқув юртларини давлат аттестациясидан ўтказди. Улардан 29 таси аттестациядан муваффақиятли ўтди, 14 таси шартли ўтди, Республика ёш экологлар ва натуралистлар маркази аттестациядан ўтмади. Калонов номидаги олий ҳунар билим юрти эса иккинчи босқичда кадрлар тайёрлаш бўйича ўзининг мақомини тасдиқламади.

Аттестация жуда мураккаб жараён. У катта куч, чуқур билим ва салоҳиятни талаб этади. Уни фақат таълим бошқарув органлари ходимлари кучи билан ўтказиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлиси қарорига асосан Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси ҳамда жойлардаги халқ таълими бўлимлари қошидаги жамоатчи экспертлар тўғрисида Низом тасдиқланди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонунини, Президент, Ҳукумат, вазирлик ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг халқ таълимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга қаратилган Фармон ва қарорларининг бажарилишини назорат этиш, таълим тизимига давлат стандартларини жорий этиш, таълим муассасалари ва ўқув юртларининг аттестацияси ва давлат аккредитациясини юқори савияда ўтказишда амалий ёрдам бериш ва кўмаклашиш мақсадида инспекциялар қошида жамоатчи экспертлар таркиби тузилган.

— Маълум бўлдики, аттестация ва давлат аккредитацияси жараёнидан 20 минта ким таълим муассасаси ва ўқув юрти ўтиши керак экан. Уларнинг аксариятини маҳаллий таълим бошқаруви органлари тасарруфидаги муассасалар ташкил этади. Мазкур жараённи талаб даражасида ва сифатли ўтказиш учун уларнинг кучи ва имкониятлари етарлими?

— Ўринли савол. Ҳақиқатдан ҳам таълим муассасалари ва ўқув юртларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказишнинг дастлабки босқичида биз шундай муаммоларга дуч келдик. Маълумки, вилоятлар ва туманлар халқ таълими бошқаруви органларида меҳнат қилаётган ходимларнинг сони чегараланган. Бунинг устига уларнинг фаолият йўналишлари ҳам кенг қамровли. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш учун уларнинг имкониятлари чегараланиб қолди. Натижада, аксарият худудларда аттестациянинг сифати билан боғлиқ масалаларга етарли эътибор берилмади.

Биз бундай аҳволнинг сабабларидан чуқур таҳлил қилиб чиқдик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, таълим муассасалари ва ўқув юртларининг аттестацияси ва давлат аккредитациясини сифатли ўтказиш

Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

И. А. КАРИМОВ.

ТААССУРОТЛАРИ БИР ОЛАМ

Бу йилги мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фанларидан вилоят олимпиада ғолибларининг Республика олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ўғил-қизларнинг 25-30 март кунлари бўлиб ўтадиган мусобақалари арафасида таълим ва фан касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳам ўқувчиларнинг маданий хордиқ чиқаришлари юзасидан катта дастур ишлаб чиқдилар. Ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида олимпиада ғолибларини Амир Темур ва Узбекистон халқлари тарихи музейларига ташрифи уюштирилди. Музейга боришдан аввал Амир Темур ҳайкали зиёрат этилиб, унинг пойига гулчамбарлар қўйилди.

Олимпиада қатнашчилари етакчи пойтахт олий ўқув юртлари ҳамда Узбекистон Фанлари академияси илмий-ишлаб чиқариш институтларининг моддий-техник базаларини, у ерда илмий изланишлар олиб бораётган мамлакатимиз йирик олимлари билан яқиндан таништириш мақсадида Тошкент давлат университети, Низомий номли давлат педагогика институти, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Жаҳон тиллари университетига таклиф этилдилар...

Олимпиаданинг якунида республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан ўқувчилар, юқорида таъкидлаб ўтилган олий ўқув юртлари, Узбекистон Фанлар академияси олимлари ва касаба уюшмаси ташкилотчилари, Халқ таълими ҳамда Олий ва Урта махсус таълим вазирликлари ходимлари учун яна бир эсда қоларли тадбир ўтказилди. Ўғил-қизлар Ҳамза номли академик Давлат театрида «Соҳибқирон» спектаклини томоша қилдилар. Санъаткорлар номидан театр директори, халқ артисти Ёқуб Аҳмедов олимпиада ғолибларини ютуқлари билан табриклаб, уларга келгусида мустақил Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятларига катта муваффақиятлар тилади. Томошадан сўнг олимпиада ғолиблари вакиллари театр жамоаси намойиш қилган спектакли учун ва ҳафта давомида уларнинг маданий-маърифий хордиқларини яхши ташкил этган Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига чуқур миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Й. АҲМЕДОВ.

ИСТЕЪДОДГА БОЙДИР БУ ЎЛКА

(Боши 1-бетда).

Беллашувни иштирокчиларнинг ўқитувчилари ўзгача ҳаяжон ва эътибор билан кузатдилар. Айниқса, уларнинг ўқувчилари ғолиб чиққанларидаги қувончи таърифга сиғмайди. Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 1-лицей ўқувчиси Шаҳнозахон Давидова рус тили ва адабиёти (узбек мактабларида) фани бўйича юқори шоҳсупага кўтарилганида ана шундай ҳолатнинг шоҳиди бўлдик.

— Ўғил-қизларга 1971 йилдан буён дарс бериб келаман, — деди Шаҳнозанинг ўқитувчиси Флида Акберова. — Шогирдларим ишончимни қозонганларида шодлигим оламга сиғмай кетади.

Албатта, ғолиблар орасида биринчи бўлиш осон эмас. Бунинг замирида таъбир жоиз бўлса, игна билан қудуқ қазишдек улкан меҳнат ётибди.

Бундай меҳнатнинг қадрига етадиган инсонлар ота-оналар орасида ҳам борлиги кишини қувонтиради.

— Ўғлим, Андижон иқтисодиёт-муҳандислик лицей-интернати ўқитувчиси Тоҳир Эгамбердиев ўқитган ўқувчи тақдири билан қизиқиб келдим, — деди баҳс натижасини ташқарида кутаётган Журавой Эгамбердиев.

Олимпиадачиларга муаллимлар, ота-оналар қаторида олимлар ҳам ҳамнафас бўлишди. Шу ўринда Наманган вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ректори, профессор Абдурашид Мунавваровни алоҳида тилга олиш жоиз. У ғолиб чиққанларни табриклаб, совринли ўринга чиқа олмаганларга далда бериб турибди.

— Биласизми, илк баҳорда қайси мевали дарахт олдин гуллаб, кейин барг ёзади, — деди профессор А. Мунавваров, — истеъдодни ана шу дарахтга қиёслаш мумкин. Унга меҳр бермасанг, тотли, тўла мағизли мева ололмайсан. Истеъдод ҳам шундай гап...

Олимпиада якуни яқинлаша бошлагани сайин совринли ўрин эгаллаганлар орасида наманганлик ўқувчилар сони кўпайиб борди. Хўш, наманганлик маорифчилар ютуғи сир-синоати нимада? Шуниси аниқки, вилоятда истеъдодли ўқувчиларга алоҳида эътибор берилади. Маорифчилар ҳокимлик, ҳомий ташкилотлар, мактаб, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ишлашаётганликларини яширмадилар. Савол туғилади: атиги биттадан ўрин олган Сирдарё, Сурхондарё шунингдек, биронта ҳам совринли ўрин ололмаган Жиззах, Навоий вилоятларида нега мазкур тамойилга амал қилинмаяпти. Уларга нималар тўсқинлик қилмоқда?

Фикримизча, тилга олинган вилоятлар мутасаддилари наманганлик маорифчилар, хусусан, Наманган шаҳридаги узбек-турк лицейи, шунингдек, Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 1-лицей, Урганч шаҳридаги Огаҳий номли лицей тажрибаларини ўрганса, улардан ўрнак олса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Тўғри, рақобат бор жойда ақл яширин деганларидек, тажрибали маорифчилар истеъдодли ўқувчиларга меҳр берганликларини ва талабчан бўлганликларини айтишиб, бошқа сирларини ошкор қилмасликлари мумкин.

Шу ўринда бухороликлар тажрибасидан бир шингилини келтириб ўтмоқчимиз. Биз газетамизнинг ўтган сонидаги хабаримизда олимпиаданинг ҳамма иштирокчиси орзу қиладиган ва камдан-кам кишига насиб этадиган Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 3-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиси Нозимахон Амонованинг бахтли онлари ҳақида лутф қилган эдик.

Шуниси қизиқки, олимпиада бошланиб, ўқувчилар компьютерда тест топшириқларини бажаришаётганда, олимпиада ўтаётган бинода (гўё табиат билимдони кашф этилаётганидан дарак бермоқчи бўлгандай?!) электр токи ўчиб қолди. Бироздан сўнг ҳакамлар ўзаро келишиб, иккинчи вариантдаги тестларни компьютерга узатишди. Бу ҳолдан ҳеч ким ташвишга тушмади.

Энди икки оғиз сўз мутлақ ғолиб Нозимахон ҳақида. У ўқитувчи оиласида туғилган. Бу йилги олимпиаданинг энг ёш иштирокчиси. Сўзлаганда, ёддан ифодали шеър айтганда, фаранг тилида қўшиқ айтганда, уни фаранг қизидан фарқлаш қийин.

— Ўқувчидаги шахсий қобилиятни, иқтидорни сезиб, уни вақтида тўғри тарбиялай олган муаллим ўша ўқувчининг бахтидир, — деди Нозимахоннинг устози Саид Раҳмонов. — Аксинча, уни сезмай ёки сезиб ўқувчини аросатда қолдирган муаллим нафақат ўқувчи олдида, балки миллат, Ватан олдида ғуноҳкор бўлади. Чунки қадимда Бухоро, Хоразм, Қўқон, умуман Мовароуннаҳр тупроғи истеъдодларга бой бўлган. Улар устозлари ўзига хос иш усуллари, ўқитиш услублари билан ажралиб турган. Энди шу анъаналар тикланиши лозим.

— Истеъдодлар қайси жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади?

— Ўқувчиларим 1974 йилдан бери республика олимпиадасида қатнашиб келади. Ҳар бирининг ўзига хос дунёси бор. Масалан, Нозимахон ҳар бир топшириққа масъулият билан қарайди, тиришқоқ, кўп ўқийди, изланади. Бугунги кунда у Франсияда ишлаб чиқилган «An aban la мюзик» ва «Сан фронтйе» услублари асосидаги дарсликларни мутолаа қилаяпти. Демак, кимки билимга таянса, тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади.

Умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси якунловчи босқичи аввалида Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев «Устозларга, ота-оналарга раҳмат», дея лутф қилганди. Олимпиаданинг тантанали ёпилиш (РТМ мажлислар залида) маросимида эса уларга яна бир бор миннатдорчилик билдирди. Вазир анжуманнинг кўнгилдагидек ўтишига кумаклашган 1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси, олимпиаданинг масъул котиблари, ҳакамлар ҳайъати аъзолари меҳнатини алоҳида қайд этди. Наманганлик маорифчиларни қутлаб, барчани улардан ўрнак олишга чақирди, айрим фанларнинг ўқитилиш савияси пастлиги тўғрисида куюниб гапирди. Сўнгра у 20 фан бўйича 53 нафар ғолиб бўлган ўғил-қизларга олий ўқув юртига кириш имтиёзли гувоҳномаси билан бирга ўзининг дил сўзлари битилган ташаккурномаси ва совғаларини тантанали равишда топширди.

Сирасини айтганда, физика фани бўйича фақат бир ўқувчигина белгиланган 75 балл чизиғидан ўтди. Ёш математиклар курсаткичи ҳам яхши эмас. Бу ҳол барча педагоғларни, халқ таълими ташкилотларини ташвишга солиши лозим. Ачинарлиси, олий ўқув юртларига кириш имтиёзини берувчи 7 ўрин бўш қолди.

Олимпиада — иқтидорлиларнинг беллашув майдони. Муҳими, улар майдонда билимларини синовдан ўтказиб, кўплаб дўстлар орттиришди. Унинг холис ва адолатли ўтишида ташкилий қўмита ва ишчи гуруҳи аъзолари жонбозлик курсатишди.

Мазкур беллашув вазирликда, РТМда ва вилоятларда чуқур таҳлил қилинади, хулосалар чиқарилади, уни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилади.

Шундай қилиб, яна бир беллашув муҳим воқеалари ҳамда энг яхши жиҳатлари билан тарих саҳифасидан жой олди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Taklif wa mulohazalar

БЕЛЛАШУВ ТАРТИБИ ЎЗГАРТИРИЛСА

Фан олимпиадалари янги-янги иқтидорли болаларни кашф қиладиган катта синов майдонидир. Шу боис олимпиадалар қуйидаги тартибда:

— I мактаб босқичи кузги таътил пайтида
— II туман босқичи қишки таътил пайтида
— III вилоят босқичи баҳорги таътил (25 — 31 март кунлари)да
— IV республика босқичи апрель ойи сўнгги ҳафтасида ёки ўғил-қизларнинг олий ўқув юртларига бориши олдидан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Эргаш АТОЕВ,
Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Фурқат номидаги мактаб муаллими, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

ЯНА ИМТИЁЗ ҲАҚИДА

Туманда биринчи, вилоятда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ўқувчининг муаллимига ҳозирча ҳеч қандай имтиёз белгиланмаган. Устоз ўқувчини туманга, вилоятга тайёрласаю, туман халқ таълими бўлимидан, вилоятдаги раҳбарлардан бир илиқ сўз эшитмаган ҳар қандай муаллимнинг ҳафсаласи пир бўлиши аниқ.

Иккинчидан, лицей талабалари учун алоҳида олимпиада ташкил этиш жоиз. Бу таклифдан лицей раҳбарлари ранжимаслиги керак. Негаки, лицейга иқтидорли ўқувчилар танлов асосида олинади. Шу билан бирга фанлар чуқурлаштирилган дастурда ҳафтасига 10-12 соатлаб ўтилади. Бундай ўқувчилардан олимпиада ғолиби чиқиши барчага аён. Хуллас, ҳар иккала масалани ўйлаб кўриш лозим.

С. ОСТОНОВ.
Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани.



СУРАТЛАРДА:
● Беллашув иштирокчилари Юлдуз Отажонова ва Наима Алиқулова давомли баҳсдан кейин ўзаро суҳбатлашишяпти.
● Ўқувчилар олимпиада топшириқларини компьютерда бажаришди.

Равиль АЛЬБЕКОВ ва Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Rasmiy bo'lim

БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ

Халқ таълими вазирлиги жойлардаги тажрибаларни ўрганиб, таҳлил этиб, таълим муассасаларида ҳам қўпгина қўшимча маблағ топиш имкониятлари мавжудлигини аниқлади. Шу хулосага асосланиб, таълим муассасалари кўрсатиши мумкин бўлган пуллик хизмат турларининг тавсиявий рўйхати тайёрланди. Хизмат турларини кўздан кечирарканмиз, унинг айнан таълим мазмунидан келиб чиқиб тузилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу қўшимча тадбирлар биринчидан таълим-тарбия жараёнини маълум маънода такомиллаштиришга хизмат қилса, иккинчидан боғчалар, мактаблар, билим юртлари, институтларнинг моддий аҳволини яхшилашга хизмат қилади.

Тавсиявий рўйхат беш бўлимдан иборат бўлиб, унда умумтаълим мактаблари, ҳунар мактаблари, лицейлар, бизнес мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, урта махсус ва олий ўқув юртлари ҳамда малака ошириш институтлари фаолияти доирасида ташкил этиладиган пуллик хизмат турлари ўз аксини топган.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ КЎРСАТИШИ МУМКИН БЎЛГАН ҚЎШИМЧА ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР

Тайёрлов бўлимлари (курслар):

болаларни таълим муассасасининг ўзида мактабга тайёрлаш бўйича;

юқори синф ўқувчиларини бир қатор фанлардан олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлаш бўйича;

ўқувчиларга ҳамда бошқа хоҳловчиларга чет тилларини ўргатиш бўйича;

ўқувчиларга давлат таълим стандартларига кирмаган ҳамда ўқув режасидан ташқари белгиланган фанларни тасдиқланган соатлар ва дастурлар асосида, жумладан, компьютер курслари, муомала психологияси, оила ва бозор муносабатлари қабиларни ўргатиш;

ота-оналарга лотин ёзувига асосланган янги узбек алифбосини ўргатиш.

Репититорлик (машғулотларни алоҳида ташкил этиш):

бошқа таълим муассасалари ўқувчилари учун;

таълим муассасасининг ўз ўқувчилари учун дарслардан ташқари вақтларда;

Тарбиявий-ривожлантирувчи хизматлар:

ўқувчилар ҳамда аҳоли учун мусиқа, суратга олиш, рақс ва театр санъатига жалб этувчи, кино, видео, радио билимлари; механик ижодкорликни ривожлантириш бўйича тўгараклар, студиялар ва клублар, стол ўйинлари ҳамда шахсий компьютерда ишлашни ташкил этиш.

Соғломлаштирувчи хизматлар:

ўқувчиларнинг ва аҳолининг жисмоний ривожланиши ҳамда камолотга эришувига хизмат қиладиган спортнинг ҳар хил турлари (атлетика, гимнастика, аэробика, стол тенниси, бадминтон) бўйича секциялар (гуруҳлар) тузиш;

ушбу секциялар қатнашчилари ўртасида мавзелар, маҳаллалар, туманлар ва шаҳарлар миқёсида спорт мусобақаларини ташкил этиш;

ўқув муассасалари тренерлари иштирокида спорт базаларида (кортларда, спорт майдончаларида, бассейнларда, тирларда, спорт залларида, ўқув залларида) тўловли абонент асосидаги машғулотларни ташкил этиш.

Педагогик хизмат кўрсатиш:

ўқув муассасаси ҳамда аҳоли учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари (шунингдек, компьютер бўйича) ишлаб чиқиш;

белгиланган тартибда тасдиқланган методик, дидактик ахборот тавсияларни ўқувчиларга, ўқитувчиларга ва бошқаларга кўпайтириб тарқатиш ҳамда ишлаб чиқиш;

ўқув муассасаси базасида педагогик, иқтисодий янгиликлар, янги педагогик технологиялар бўйича турли конференциялар, семинарлар ўтказиш;

ўз кучи билан махсус тўпламлар, тавсиялар, ахборотномалар яратиб, уларни ўз ўқувчилари, ўқитувчилари ва бошқаларга тарқатиш.

(Давоми бор).

Ma'nawiy qadriyatlarimiz

ҚИРҒИЗ МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Наманган вилояти Қирғизистон Республикасининг бир қатор туманлари билан чегарадошлиги боис ўзбек ва қирғиз миллати азал-азалдан иноқ ва қадрдон яшашади. Ҳозир вилоятда 20 мингдан зиёд қирғиз миллати вакиллари истиқомат қилишади. Яқинда бу ҳамюртларимиз ҳаётида тарихий воқеа юз берди — Наманган шаҳрида қирғиз миллий маданий маркази тузилди.

Марказнинг очилишига бағишланган йиғинда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан фаоллар иштирок этишди. Конференцияни «Халқ бирлиги» ҳаракати вилоят кенгашининг раиси А. Аҳмедов очди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг масъул ходими Маҳпиратхон Истамқулова маданий марказнинг раиси этиб сайланди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Д. Дадажонова ва ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби А. Мадмусаев марказ олдида турган вазифалар ҳақида тўхталиб, йиғилганларни марказнинг ташкил этилиши ва Наврўзи олам билан қутлади.

М. ПАРПИЕВ.

ТАЪЛИМНИНГ АДОЛАТ МЕЗОНИ

учун жойларда мазкур масалалар билан шуғулланадиган махсус тузилмалар ташкил этиш керак деган фикрга келдик. Бундай фикримиз асосли эканлигини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлади.

Ташаббусимизни жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари қўллаб-қувватладилар. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг қарорлари асосида Давлат таълим стандартлари бўйича вилоят (Қорақалпоғистонда — республика) инспекциялари ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, инспекцияларни тузиш ички имкониятлар ҳисобидан амалга оширилди ҳамда бюджетдан уларни сақлаш учун ортиқча сарф-харажатлар бўлгани йўқ.

Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси вилоят инспекциялари тўғрисида намунавий Низом лойиҳасини ишлаб чиқди ҳамда амалиётда фойдаланиш учун жойларга юборди.

Мазкур инспекцияларнинг тузилиши билан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунини, Президент ва Ҳукуматнинг таълим соҳасидаги Фармон ва қарорларини, меъёрий ҳужжатлар талаблари ва давлат таълим стандартларининг бажарилишини назорат қилувчи ҳамда таъминловчи, таълим муассасалари ва ўқув юртларининг аттестацияси ва давлат аккредитациясини ўтказувчи муайян ягона тизим ташкил этилди.

Аттестация ва давлат аккредитацияси сифатини кўтариш мақсадида иккинчи, бизнинг назаримизда, муҳим бир ишни амалга жорий этдик. Бу — даврий режалар асосидаги аттестациялар орасида иш фаолияти натижаларини аниқлаш, давлат аттестациясига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида таълим муассасаларининг ўз-ўзини аттестациядан ўтказишдир.

— Давлат аккредитациясидан муваффақиятли ўтган жамоалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Таъкидлаш жоизки, аксарият педагогик жамоалар аттестация ва давлат аккредитациясига пухта тайёргарлик кўрадилар. Натижада фаолиятларининг асосий йўналишлари бўйича яхши натижаларга эришадилар. Мисол тариқасида, I ва II Тошкент, Хива, Қўқон, Қарши педагогика билим юртлари, Республика ўқувчилар саройи, Самарқанд чет тиллари давлат институти қошидаги ҳамда Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган айрим лицейларни кўрсатиш мумкин.

Аттестация жараёнида аниқланган тажрибалар, янги педагогик технологиялар «Илғор иш тажриба мажмуасидан ўрганилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Инспекция шунингдек, мажбурий таянч (тўққиз йиллик) таълимни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» Қонуни талабларининг жойлардаги ижроси, давлат таълим стандартларини тажрибада синаш ва босқичма-босқич жорий этиш, таълим бошқаруви органлари ва муассасаларидан ижрочилик интизомининг аҳволи каби масалаларни ҳам ўрганиб, аниқ чоралар белгилади. Шунингдек, инспекция ходимларининг ташаббуси билан Ўзбекистон халқ ўқитувчиси О. Омонованинг (Андижон вилояти) дарс жараёнида ҳамда дарсдан ташқари пайтда ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси бўйича олиб бораётган ижобий иш тажрибаси маъқулланди ҳамда оммалаштиришга тавсия этилди, Тошкент шаҳридаги 60 мактаб негизида ўқувчиларимизга танлов асосида немис тилидан халқаро сертификатлар берадиган марказ ташкил этилди; мактаб раҳбари кутубхонаси рукни остида «Мактаб бошқарувида ички назорат» рисоласи чоп этилди; қатор хорижий давлатлар таълим технологиялари ўрганилиб, ўзимизнинг хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тадбиқ этилди.

Умуман мамлакатимиз таълим муассасалари аттестацияси ва аккредетацияси ёш авлодга билим бериш сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга,ислоҳотларни мувффақиятли амалга оширишга хизмат қилаётир.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

ОЛИЙ ЛИГАДА... МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ

(Боши 1-бетда).

китоблар, газета-журналларга ва энг муҳими, ўқувчисига бой бўлган, махсус бурчаклар ташкил қилинган кутубхонани, «Маънавият ва маърифат» хоналари, махсус дам олиш хоналари ташкил қилинган ётоқхоналарни айландик, ўқувчилар ва тарбиячилар билан суҳбатлашдик. Айниқса, рум-юнон кураши бўлими тарбиячиси Холида Минаввароннинг ўқувчилари билан олиб бораётган тарбиявий ишлари ва тадбирлари диққатга сазовордир.

Футбол бўлими мудири, «Чилонзор» командаси тренери Баҳодир Тошмуҳаммедов ва билим юрти очилгандан буён ишлаб келаётган хизмат кўрсатган спорт устаси, икки марта Марказий Осиё чемпиони, 1996 йилда Осиё ўйинлари финал иштирокчиси 1980 йилда туғилган ёшлардан иборат жамоанинг бош тренери Исоқ Тошмуҳаммедов билан бирга ушбу бўлим ётоқхонасидаги шароит билан танишиш жараёнида 9-синф тренери Комил Ўтабоевни, 8-синф тренери Ринат Абкелямовни ва Игнат Нестеров, Алишер Милушев, Шуҳрат Умаров, Илияс Зейтуллаев, Алишер Гиззатулин каби маҳоратли ёш футболчиларни суҳбатга чорладик, уларнинг қизиқишлари билан ўртоқлашдик. Улар кунига уч марта амалий машғулотдан ташқари чет эл футболи ёзилган видеотасвирларни ҳар куни бўлсаям кечки пайт ётоқхонада томоша қилишдан зерикмасликларини айтишди. Билим юрти бўйича бор-йўғи 2 та видеомагнитофон борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу уларнинг истакларини (тўғрироғи, талабларини) қондиролмаслиги аниқ. Навбат келганда ҳар қалай Германия футболи, Бразилия терма командаси ўйини ва жаҳон футболида урилган голлар ёзилган видеотасвирларни ҳамда билим юртининг мулки ҳисобланган видеокамерада ёзилган тасмаларни кўриб туришаркан. Ҳатто, бу собиқ ўқувчиларни қўя туринг, айни пайтнинг ўзида 10 дан зиёд ўқувчиси олий лига командаларида (5 таси «Чилонзор»да) ўйнаётган футболчилар тарбияланаётган футбол бўлими учун ҳам етарли эмас. Ваҳоланки, билим юрти бошқа турлар бўйича ҳам жаҳонда катта ютуқларга эришган ва эришаётган спортчиларни тарбиялаб чиқарди ва тарбиялашда: Оксана Чусовитина — спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпиони, олимпиада чемпиони. Онастасия Дзюндзяк — Атланта олимпиадаси финали иштирокчиси. Улуғбек Маҳмудов — штанга кўтариш бўйича Сеул олимпиадаси чемпиони, Сергей Воинов — енгил атлетика бўйича жаҳон рекордини ўрнатган.

Бўлар каби иқтидорли спортчиларни яна анча санаш мумкин. Лекин гап бунда эмас. Энг муҳими, спортчиларнинг руҳини сўндирмаслигимиз, уларга энг яхши шароитларни яратиб беришимиз керак. Шу маънода директор Эркин Гиязов ва спорт ишлари бўйича ўринбосар Виктор Колодяжний билан спорт базасини айландик. Уларнинг айтишларича, Ўзбекистонда энг яхши ёпиқ база шу экан. Бироқ 50 метрлик бассейн қурилишининг нима учун тўхтаб қолганлигини ва яна бир қанча камчиликлар ҳақида сўраганимда директор шундай деди:

— Тўғрисини айтсам, ҳатто сиз айтаётган пешлавҳаларни ёздириб осишнинг ўзига пул топиш муаммо. Юқори ташкилотлар ёрдам беришни умуман эсларидан чиқариб қўйишган, уч ойдирки пул беришгани йўқ. Яхшиямки, ота-оналар ва таниш-билиш ташкилотлар билан келишиб кам-кўстимизни тўғрилаб турибмиз. Яқинда бир неча спортчини Бишкекка эркин кураш бўйича мусобақага жўнатдим. Транплин бўйича 4 нафар спортчи Австралия ва Янги Зеландияга жаҳон кубоги эгалари турнирига жўнаб кетишга тайёр. Велоспорт бўйича Парижда бўладиган ёшларнинг халқаро тажриба турнирига спортчиларни шу ойда юборишимиз керак. Бунинг учун маблағ зарур, яна ота-оналару танишбилишлардан йиғиш керак, бу эса осон эмас...

Дарвоқе, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 февралдаги 91-сон қарори билан тасдиқланган Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурига бассейн қурилиши киритилганлиги қувонарли. Лекин 35 йил олдин Шароф Рашидов ташаббуси билан очилган ва асли футбол мактаби бўлиши керак бўлган бу билим юртида ҳалигача футбол манежининг йўқлиги ачинарли. Ваҳоланки, 70х110 метр ўлчамдаги футбол манежининг лойиҳаси аллақачон тайёрланган, фақат негадир бюджетга киритилмай қолиб кетяпти.

Билим юрти билан танишиб чиқиб, ушбу фикрларни хулоса ўрнида айтмоқчи эдимки, билим юрти аҳволини, фаолият кўрсатаётган раҳбариятни ёмонламоқчи ва ёки ҳаддан зиёд мақтамоқчи эмасман, ваҳоланки, мақтаса мақтовга арзигулик маскан, арзигулик жамоа. Имконият даражасида қилиниши керак бўлган ишнинг барчаси бажарилянти. Энг муҳими, ажойиб муҳит яратилган, спортчиларда интилиш, ўзига ишонч бор. Республика миқёсидаги ва халқаро мусобақаларда катта ютуқларга эришишмоқда.

Республикамиз ҳукуматининг футболга, умуман, спортга қаратаётган эътиборлари жуда катта. Чунки Ватанимизни дунёга танитишда, шуҳратини кўтаришда уларнинг ҳиссалари беқиёсдир. Кўп сонли билим юрти ўқувчилари ва жамоасининг талаблари, яъни биз мақолада келтириб ўтган бир қатор камчилик ва етишмовчиликлар Инсон манфаатлари йилида ҳал бўлишини истаб қоламиз. Токи, дунё бўйлаб Мустақил Ўзбекистонимизнинг Мадҳияси янграйверсин, байроғи ҳилпирайверсин, спортчиларимиз жаҳон майдонларида кетмакет олий ўринларни эгалайверсин.

Улуғбек ОДИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

«НАСРИДДИН АФАНДИ»НИ ОЛМОНЛАРГА ТАНИТГАН ОЛИМ

Тошкент Давлат чет тиллар институтида талабалик пайтимизда (1967 йил) студентларнинг навбатдаги илмий конференциясига тўпландик. Маърузачиларнинг чиқишлари ўзига хос бўлиб, биз биринчи курс талабалари чет тилда гоҳ қийналиб, гоҳ равон гапираётган қатнашчиларга ички бир ҳавас билан қараб ўтирардик. Юртдошларимизнинг изланишларидан ўзимизча ғурурланардик. Шу пайт сўз бешинчи курс студенти хоразмлик Отабой Жуманиёзовга берилди. У қўлидаги ёзилган қоғозларга деярли қарамаган ҳолда ўз она тилида сўзлаётгандек олмон тилида илмий маъруза қила кетди. Залдаги шивиршивирлар ҳам тинди. Ҳамманинг кўзида ҳайрат, ҳавас ифодаси муҳрланган эди. Ҳаммамизнинг унга жуда-жуда ўхшагимиз келарди. Қорачадан келган, кўзлари ёниб турган, маҳрур бу ўспирин кўнглимиздаги тилга бўлган муҳаббатни гуллатиб юборган эди, чамаси.... Маъруза тамом бўлгач, биз ўз домлаларимизни саволга кўмиб ташладик, жавоб қисқа бўлди; ниҳоятда зеҳнли бу йигитнинг устози олмон мураббийи — Йоҳан Краус «Краус мактаби» талабаси экан.

1967-1979 йилларда олмоншунос О. Жуманиёзов собиқ Олмониянинг Лейпциг университетида — аспирантурада таҳсил олаётганини эшитиб, ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Профессор Флайшер раҳбарлигида олмон матбуоти тилини махсус тадқиқ қилиб, «фалсафа доктори» илмий даражасига эришиш биз юртдошлари учун ҳам бениҳоя ёқимли эди. Вақт тақозоси билан германистларнинг Москвада бўлиб ўтган илмий анжуманида олмониялик профессор Флайшер билан учрашиб қолдим. Гап Отабой Жуманиёзов ҳақида кетганида профессор меҳр билан: «Ўзбекистонлик кўп йигит-қизлар қўлимда таҳсил олдилар. Уларнинг орасида чуқур меҳрим тушгани — меҳнатсевар, камтар Отабой. Мендан салом айтинг!», — деди.

Кўп ўтмай ёш, изланувчан олимнинг олмонча сўзларнинг ҳозирги замон ўзбек тилида ишлатилиш хусусиятлари, бу хил ўзлашмалардаги маъно торайиши ва кенгайиши ҳоллари ҳақида германистларнинг халқаро анжуманларида қилган маърузалари анча шов-шувга сабаб бўлган эди. Бундай изланишларнинг самараси ўлароқ «Ўзбек тилидаги олмонча ўзлашмалар» номли монографик тадқиқот китоби нашр этилди. Бундан ташқари, олмон тили грамматикасига оид бир қанча қўлланмалар, юзга яқин илмий мақолалар икки халқ маданиятини бир-бирига таништириш йўлидаги нурли изланишлардир. «Насриддин Афанди латифалари»нинг олмон тилида бир неча марта чоп этилиши ҳам ажойиб олим, моҳир таржимон Отабой Жуманиёзовнинг хизматлари албатта.

Куни кеча йўлим «Ўқитувчи» нашриётига тушган эди. Қўлимга эндигина босмахонадан чиққан «Немис тили дарслиги» тушиб қолди. Ўқиб кўрсам муаллифлар О. Жуманиёзов ва у кишининг шогирдлари Р. Аллаёрова, Ҳ. Исмоиловалар. Кўксимга яна ўша талабалик давридагидек фахр эпкинлари келиб урилди. Ҳаммаслак оғамиз, камтар олим, айни кунларда Хоразм дорилфунунининг жаҳон тиллари факультетида ўз касбига садоқат билан меҳнат қилаётган Отабой Жуманиёзов ҳақида ёзганларим дарёдан томчи холос, узоқдан туриб кузатишларимнинг бир шингили холос. Юртимиз истиқлол ила нафас олаётган бундай дамларда Отабой оғадек илм фидойилари миллатимиз равнақи учун янада зарур.

Илмингиз дарёсидан элюрт баҳраманд бўлаверсин, Отабой оға.

Хуррам РАҲИМОВ,
ТошДУ доценти.

МЕТАЛЛ — ВАТАНГА

Термиз педагогика билим юрти жамоаси 1997 йилга мўлжалланган режадаги 35 тонна қора ва 160 кг рангли металл парчаларини йиғиб топширишди.

* * *

Ҳамза номидаги Шаҳрисабз педагогика билим юрти жамоаси режалаштирилган 35 тонна ўрнига 37,01 тонна қора, 150 кг ўрнига 250 кг рангли металл парчаларини топшириб, режани ортиғи билан бажардилар.

Мухбиримиз.

Xullas...

ТОПИЛДИҚ ТУГУН ТИЛСИМИ

Мурманск вилояти Кожава туманининг терговчиси Алексей Рохлин ишдан қувилди. Бу кўнгилсизликнинг сабаби тумандаги энг йирик омборхоналардан бирининг ўмарилиши билан боғлиқ жиноий ишнинг очилмай қолганлиги эди. Ўша куни Алёша кечга яқин ғамгин уйга қайтди. Қайтдию ҳовли дарвозасининг ёнида дўппайиб турган тугунга кўзи тушди. Собиқ терговчи аввалига, андак ҳадиксираб тевракни бир кўздан кечирди, сўнг секингина топилдиқни очди. Не кўз билан кўрсинки, тугунда беш-олти шиша энг қимматбаҳо фаранглар шароби, беш-олти қути гавана сигарети ва... беш-олти боғлам «кўк» эгасини кутиб ётарди. Алексей Рохлин довдирай-довдирай титкиланиб тугундан бир парча қоғозга битилган хат топиб олди. Хатда шундай ёзилганди: «Биз туфайли ишидан ажралган А. Рохлинга моддий ёрдам... Омборхона қароқчилари».

БАЛЛИ, КАЛЛА!

Маълумотларга қараганда, ҳиндистонлик Милинд Дашмух исмли кимса бошига сут тўлдирилган шиша идишни қўйиб қарийб 65 километрлик йўлни босиб ўтган. Манзилга етгунга қадар қўлини бирор марта ҳам идишга текизмаган, сутнинг бир томчиси ҳам тўкилмаслигига эришган.

Ана каллаю мана калла!

ҚОРИ ИШКАМБАНИНГ ВОРИСИ

Манови ғалати мишмишдан Садриддин Айнийнинг машҳур асари қаҳрамони яғир салласини осмонга отадими, ё гўрида тик турадими — билмаймиз. Аммо шу нарса ойдек равшанки, чикаголик Фред Мегел тежамкорлик бобида уни аллақачон доғда қолдирган. 1928 йилдан то 1983 йилнинг ёзига қадар у ресторанларнинг савиясини баҳоловчи мутахассис сифатида жами 46 минг маротаба дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатида бепул тушлик қилган.

ana shunaqa gaplar

Kungil bitiklari

САБОҚ

Ғалати бир туш кўрдим кеча:
«Узундан-узун йўлкамиш
на боши бор, на кети,
Ярми ёруғ, ярми зимистон
Жарлик эмиш йўл чети.

Чопиб келар итлар бир неча,
Ён-веримда бирон кимса йўқ.
Югуришга топмадим мажол,
Дод, дейишга чиқмайди сасим,
Юрак ҳалак, ҳайхот бу не ҳол?

Яқинлашар итлар мен томон,
Кошки, қўзғололсам турган жойимдан.
Бармоқларим тирнайди ерни,
Қайда ёрим, қайда жигарлар,
Ҳеч бўлмаса артсайди терни...»

Уйғонаман, сапчиб ўрнимдан
Ва ўзимча таъбир излайман:
Узун йўлка — нотекис ҳаёт,
Жарлик — бу гуноҳлар доми,
Ит эса душман дея бўзлайман.
Билмам,
Итни вафоли дўст ҳам дейдилар,
Унда нега тинмай акиллар?
Энди-энди тушунгандекман,
Бу — мен қулоқ солмаган даккилар!

* * *

Мана, яна кун кеч бўлди,
Яна бир кунга камайди умрим.
Қисқармоқда тириклик вақти,
Сени кутиб тўлғонар сабрим.

Ҳар кун шундай кун кеч бўлар...
Улгурмайди Ой бўзаришга,
Қуёш қизаришга,
Тош ёнмайди,
Сув ҳам тутамас.

Мен фақат ҳар дақиқада
Улгураман,

Наздимда Ой ҳам бўзарар,
Севгимдан Қуёш қизарар,
Муҳаббатим тош ёндиради,
Сув тутайди бурқсиб
Булутларга жон ҳам киради.

Чунки улгурганман
Сени СЕВИШГА.

Мирза Раҳим МАМАЖОН.

НОНУШТАГА СУМАЛАК

Субҳидам. Дов-дарахтлар қуртак чиқариб, гул кўрсатишга улгурганидан дил энтикади. Ие, карнай-сурнай садоси ҳам қулоққа чалиниб қолди. Бирор хонадонда туймикан?

Тўй эмас, боғчада тантана. Сокингина, хилватгина ҳарбийлар шаҳарчасида жойлашган муъжазгина боғчага Наврўз кириб келди. Карнай-сурнай садоси шундан. Боғча ҳовлисига ўрнатилган дошқозонда биқтирилган сумалак. Юраклар ана шу таомга интиқ. Бир суткалик меҳнатнинг натижаси қандай бўлган экан?

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Холмат ака» маҳалласидан ташриф буюрган ҳаваскорлар ансамблининг қизиқарли томошалари сумалак қайнаттган аёлларга, тарбияланувчиларга завқ берди. «Лабируд» театрининг масхарабозлари кичкинтойларни кулдиришди.

Орзиқиб кутилган лаҳзалар етиб келди... Ҳали ҳарорати, тафти сўнмаган тансиқ таом идишларга сузилди. Ташриф буюрган меҳмонлар, боғча тарбиячилари, ошпазлари, энагалар таомилга кўра, жимжилоқлари билан сумалакдан татиб кўришди. Оҳ, унинг мазаси, ичига асал солинганми дейсиз...

Боғча мудираси Любат Пирмуҳаммедова Наврўз шодиёнаси билан табриклар экан, жумладан шундай деди:

— Байрамлар бор бўлсин! Азиз болажонлар, Янги кунингиз билан! Истагим: болалигингизга ғард қўнмасин! Қувноқ, шодон ўсинг! Бугун сизларга тортиқ этаётган сумалагимиз Наврўз тухфаси. Мазза қилиб енг!

Қисқасини айтганда эса, «Солнышко»да байрам байрамдай ўтди. Бундай кунни кичкинтойлар асло унутишмаса керак...

Айтганча, 6 та гуруҳга бўлинган жажжиларга ҳар томонлама — ҳарбий-ватанпарварлик, мантиқ, математика, жисмоний тарбия, мусиқий соҳада бошланғич тушунчалар имкон даражасида берилаётир.

7-болалар боғчасида юқоридаги каби тадбирлар онда-сонда бўлгани билан эсда қоларли ва завқлидир.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.



«ЯНГИЛИК»ДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётнинг турли соҳалари учун малакали ишчи, мутахассис ходимларни тайёрлаш ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Кўпгина жойларда касб-ҳунар бўйича таълим-тарбия берилмоқда.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Янгилик» халқ мактаби ана шундай фаолият кўрсатаётган узига хос билим масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ёшларга ўрта маълумот бериш билан биргаликда турли касблар бўйича ҳам сабоқ бериб келинмоқда. Улар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда боғча тарбиячиси, ҳисобчи, иш юритувчи котиба мутахассисликларини ҳам эгаллайдилар.

Яқинда мазкур билим даргоҳида «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзуида очиқ баҳс-мунозарали дарс бўлиб ўтди. Ёшлар Ватанни севиши, унинг тарихи, маданияти ва миллий қадриятларига ҳурмат билан қараши шаклланиб келаётганлигини намойиш этдилар. Ўқувчилар томонидан юртимиз мадҳияси ижро этилди. Ватанни, Турони заминни мадҳ этувчи шеърлар, асарлардан парчалар ўқилди. Маънавий қадриятларимизга, мамлакатимиз қонуни, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳаёти ва фаолиятига оид, бундан ташқари «1997 — йил Инсон манфаатлари йили» мавзуларида қизиқарли, мунозарали баҳслар бўлиб ўтди. (Пастдаги суратлар).

Дарвоқе, бугунги кунда 400 нафардан кўпроқ ўқувчи- ёшлар бу масканда таълим олишмоқда. Дарсларда энг зарур кўргазмали қуроллардан ва техника воситаларидан фойдаланиляпти. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда халқ маорифи аълочиси, олий тоифали муаллим Исоқжон Маматқулов, Валентина Вавилова, Саломат Пардаева, Ҳури Мираҳмедова, Шоҳида Алиева каби жонкуяр мураббийлар узларининг билим ва тажрибаларини аямаяптилар.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ.

Суратлар муаллифи Абдурасул ПАРДАЕВ.

СИЗ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ ЯХШИ РЕСТОРАН ВА МЕҲМОНХОНАЛАРДА ИШЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

БУ БОРАДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЙЎҚ СИЗНИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг меҳмонхона хўжалиги ва туризм бўйича мутахассислар тайёловчи Республика ўзбек-турк лицейида кутишмоқда. Лицейга фақат умумтаълим мактабининг 9-синфини тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Лицейда ўқишнинг биринчи йилида турк, ўзбек, инглиз тиллари чуқур ўрганилади, сўнг эса... 3 йил давом этадиган махсус ўқув чоғида Сизга Ўзбекистон ва Туркиянинг иқтидорли педагоглари таълим беришади.

СИЗНИ ЛИЦЕЙГА ҚАНДАЙ КИРИШ ҚИЗИҚТИРАДИМИ? ЖУДА СОЗ УНДА:

1. Туғилганлик тўғрисида ва 9-синф маълумоти тўғрисидаги гувоҳномалар;

2. 3х4 сантиметр катталикдаги 8 та фотосуратни тайёрланг.

3. Бундан ташқари лицейда ўқишингиз учун ота-онангизнинг розилиги ҳам керак.

4. Шунингдек, ўзингиз билан ҳужжатлар учун папка ва 6 та хатжилд (конверт) олиб келишни ҳам унутманг.

ЭНГ МУҲИМИ, ҚУЙИДАГИ ФАНЛАР БЎЙИЧА ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ЯХШИЛАБ ТАЙЁРЛАНИНГ:

— ўзбек тили ва адабиёти;
— математика;
— физика;
— химия;
— тарих;
— география.

Ҳужжатлар 30 апрелгача қабул қилинади.

Вақтингиз ҳали бор, бироқ шошилинг.

Иккинчи ўқув йилидан Тошкентдаги энг яхши 4,5 юлдузли меҳмонхоналар ва ресторанларда (ўқишдан бўш вақтингизда) ишлаб, ўз меҳнатингиз учун тегишли ҳақ оласиз.

Бошқа шаҳардан келганлар учун лицей қошида иккита умумий ётоқхона мавжуд.

Лицей манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 2-мавзе, А. Дониш кўчаси, 28-уй. Тел: 24-55-77, 24-84-32.

Лицейга 51, 60, 72, 83, 91, 92, 93, 18-автобуслар, 25, 28, 29-трамвайлар, 25, 26-троллейбусларда боришингиз мумкин. Мўлжал: «Универсам» дўкони, Комил Ёрматов номли кинотеатр.

ШОШИЛИНГ! Биз ҳар бир ўринга танлов бўйича қабул қиламиз!

М. Улуғбек номидаги ТошДУ ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва фалсафа фанлари факультети педагогика кафедраси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, доцент

Қумри ОБИДОВА

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Чилонзор туман Ҳокими ижроия маҳкамасининг халқ таълими бўлими 270-сонли мактаб жамоаси бошланғич синф ўқитувчиси

Зарифа СОЛИЕВА

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ma'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0229.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6